



ИQTISODIYOT: ТАНЛИЛЛАР ВА PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Биз бундан буён фаолиятимизни «инсон – жамият – давлат» деган янги тамойил асосида ташкил этамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Журнал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан ҳамкорликда нашр этилмоқда

ISSN 2181-0567



9 772181 056008



**Президент Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимида
сўзлаган нутқидан:**

2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, **«хом ашёдан – тайёр маҳсулотгача»** деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантирамыз.

Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган **5 фоизгача** пасайтириш чоралари амалга оширилади.

Шунингдек, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттирамыз.

Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали **2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш** кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизими ислоҳ қилиниб, ижтимоий хизматларнинг сифати яхшиланади ва кўлами кенгайтирилади.



IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS**

№ 4 (16)
Октябрь–Декабрь, 2021 йил

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Ж.Қўчқоров** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, таҳрир ҳайъати раиси
И.Норқулов – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари
У. Абидхаджаев, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори
З. Халдаров, PhD – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари
Т.Ахмедов, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари – Илмий марказ директори
Д.Курбанова, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти илмий котиби
С.Чепель, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими
Н.Расулов, и.ф.д., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
Д.Каримова, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
Р.Хасанов, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
Х. Сайдалиев, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари
Н.Ибрагимова, PhD., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари
Ё.Файзуллаев, и.ф.н. – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлим бошлиғи

ТАҲРИРИЯТ:

- Бош муҳаррир – **Т. Аҳмедов**
Масъул муҳаррир – **А. Юлдашев**
Техник муҳаррир – **И. Одашев**
Компьютер графикаси дизайнери – **И. Саидов**
Нашр учун масъул – **Н. Примов**

Журнал Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 29 июндаги 266/8-сонли қарорига асосан ОАК диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига ва Россия Федерациясининг Илмий иқтибос индекси (РИНЦ) рўйхатига киритилган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2021 йил 22 апрелда 1043-сонли гувоҳнома бўйича қайта рўйхатга олинган.

Босма ISSN 2181-0567; Электрон ISSN 2181-1830.
Формат 84/60, 1/8, 7,8 б.т.
Чоп этишга 30.12.2021 йилда рухсат этилди.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидagi индекси – 1360.
Журнал уч ойда бир марта чоп этилади. Баҳоси келишилган нархда.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlار» журналичан қўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиғи билан амалга оширилади. Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиғи мумкин. Мақоладағи далилларнинг ҳаққонийлиғига муаллифлар шахсан масъул ҳисобланади. Тақдим қилинган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30. Тел.: (+998 71) 244-01-77. E-mail: info@ifmr.uz
Тарқатиш бўлими телефони: (+998 71) 244-01-77

сифатида Меҳнат Вазирлиги томонидан берилаётган маълумотларга эътибор қаратсак, расмий секторда бандлар 5706800 кишидан кўпроқ, норасмий бандлар сони эса 6101900 кишидан кўпроқ [12]. Ушбу кўринишдаги норасмий фаолият юритувчи субъектлар кўпроқ уй хўжалиги ва кишлок хўжалиги соҳасида учрайди. Ўзбекистон Республикасида норасмий фаолият юритаётган субъектларнинг рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини расмий кичик бизнес вакилига ўзгартириб ҳукумат томонидан берилаётган имтиёзлардан фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарорида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар фаолият (хизматлар, ишлар) турлари 24 та этиб белгиланган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнь куни “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда, 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари кенгайиб, улар сони 67 тага етди. Ҳукумат томонидан берилаётган имтиёзлар, қўллаб-қувватлашлар иқтисодиётнинг расмий соҳасида фаолият олиб бориб, турли сабабларга кўра ишдан ажраб қолган ишсизлар учун имконият, яъни “ҳимоя майдончаси”, “вақтинчалик бандлик майдончаси”, “шахсий кичик бизнесни бошлаш майдончаси” бўлиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Кўриб ўтилган маълумот, ёндашув ва таҳлиллар асосида хулоса ва таклифларни илгари сурадиган бўлсак, аввало мамлакатда аҳоли турмуш фаровонлигига эришишда камбағаллик муаммосини ижобий томонга ўзгартириш зарур, бу масала ҳозирги кунда бутун дунё эътиборида, сабаби глобал пандемия деярли барча давлатларда аҳоли турмуш кечиришининг қийинлашишига олиб келди. Камбағаллик муаммосини ҳал этишда унинг мазмун-моҳиятини тушуниш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш муҳимдир. Бирон-бир ҳудудда камбағалликнинг пайдо бўлишида иш жойларнинг йўқлиги, даромаднинг камлиги бўлса, бошқа бир жойда эса тақсимот масалаларидаги муаммолар туфайлидир.

Камбағалликни қискартиришда хусусий сектор жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этиши аксиомага айланиб бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори янги иш жойларини шакллантиришда катта бизнес

каби кўп капитал талаб қилмаслиги меҳнатга лаёқатли инсонларни иш билан таъминлаш имконини беради. Камбағалликни қискартиришда касбга ўргатиш ва касбга қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш зарур. Шунингдек, касб ўрганиш ва қайта тайёрлашдан ўтган фуқароларни ўз йўналишлари бўйича иш жойлари билан таъминлаш тизимнинг самарали ишлашига имкон беради. Ўз кичик бизнесини шакллантирмоқчи бўлганларга эса давлат томонидан молиявий кўмакни йўлга қўйиш керак. Даромадларининг кўпайишида эса ҳукумат томонидан тақсимот жараёнини ҳам ҳисобга олган ҳолда ташкил этилаётган оқилона имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин бўлади. Кишлоқ ҳудудларида шахсий томорқа ва чорвачиликни ривожлантиришда илмий ёндашув ҳамда ихтисослашувга катта эътибор бериш меҳнат унумдорлигининг ортишига имкон беради, бу эса хом ашёни қайта ишлаш, маҳсулотни сотиш тизимини рағбатлантиради, натижада даромаднинг ўсишига имкон беради. Ҳукуматимиз томонидан даромадлар тақсимоти ва қайта тақсимоти тизимини янада такомиллаштириши керак, бу масалада ижобий силжишлар мавжуд, жумладан, бюджет тақсимотида оддий фуқаролар иштироки тизими йўлга қўйилмоқда, ушбу тизимнинг қамров даражасини кенгайтириш орқали халқнинг розилик ҳисси ва меҳнатга бўлган ижобий муносабатини шакллантиради.

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш унинг ижтимоий функцияларидан кенг фойдаланиш камбағаллик муаммосини бартараф этиш учун асос бўла олади. Ҳукуматимиз раҳбари ҳам ушбу муаммони, яъни камбағалликни бартараф этишда хусусий сектор, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта ишонч билдириб, ушбу соҳанинг ривожини учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Манба ва адабиётлар

1. *Тадбиркорликни ривожлантириш ва касбга тайёрлаш орқали камбағалликни камайтириш чоралари белгиланди.* - <https://uza.uz/uz/>
2. *Жаҳон Банки* - <https://www.worldbank.org/en/topic/poverty/overview>
3. *Википедия энциклопедияси* - <https://en.wikipedia.org/wiki/Poverty>
4. *Библиотека публикаций Московского центра Карнеги* - <http://pubs.carnegie.ru>
5. *Елисеева И.И. Социальная статистика: 3-е изда-*

ние, переработанное и дополненное. М.: Финансы и статистика, 2001. С. 398.

6. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник/ Под общ. ред. А.В. Колосова. М.: РАГС, 2001. С. 428.

7. Игнаток М.В. Бедность: дифференциация подходов к определению и измерению. Экономический вестник Ростовского государственного университета. 2008 Том 6 № 4 Часть 2, стр 67-71.

8. Тадбиркорликни ривожлантириши ва касбга тайёрлаш орқали камбағалликни камайитириши чоралари белгиланди - <https://president.uz/uz/lists/view/3408>

9. Fang, Yingfeng, and Fen Zhang. 2021. Social Indicators Research The Future Path To China's Poverty Reduction—Dynamic Decomposition Analysis With The Evolution Of China's Poverty Reduction Policies. Springer Netherlands. <https://doi.org/10.1007/s11205-021-02716-5>.

10. Kolenikov, Stanislav and Shorrocks, Anthony, A Decomposition Analysis of Regional Poverty in Russia (February 2005). Review of Development Economics, Vol. 9, Issue 1, pp. 25-46, 2005

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси - <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/small-business-and-entrepreneurship-2>

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирлиги - <https://mehnat.uz/uz>

Камбағалликни бартараф этишда тадбиркорликнинг ижтимоий функциялари

Муҳиддин Халилов,

Тошкент давлат иқтисодий университетининг
таълим докторанти

Аннотация: мақолада камбағаллик категориясининг иқтисодий ва ижтимоий мазмун-моҳияти, унинг турлари ҳамда жамият ҳаёти, иқтисодий ривожланишига салбий таъсири, камбағалликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омиллар ва камбағаллик ҳолатини келтириб чиқарувчи жараёнлар кўриб чиқилади. Шунингдек, камбағалликни бартараф этишда хорижий тажриба ва миллий ёндашув, тадбиркорликни ривожлантириши орқали ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшилаш ва камбағалликдан чиқиш йўллари илгари сурилган.

Калит сўзлар: қашшоқлик, камбағаллик, ишсизлик, тенгсизлик, мутлоқ қашшоқлик, нисбий камбағаллик, даромад, тақсимот, камбағаллик чегараси, кичик бизнес, тадбиркорлик, давлат, имтиёз.

Социальные функции предпринимательства в сокращении нищеты

Муҳиддин Халилов,

базовый докторант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация: в статье рассматривается экономическое и социальное содержание категории бедности, ее виды и негативное влияние на экономическое развитие а также на социальную жизнь, факторы и процессы приводящие к бедности. Также был предложен зарубежный опыт и национальные подходы к борьбе с бедностью, пути улучшения социально-экономической жизни через развитие предпринимательства и пути выхода из бедности.

Ключевые слова: бедность, безработица, неравенство, абсолютная бедность, относительная бедность, доход, распределение, черта бедности, малый бизнес, предпринимательство, правительство, привилегии.

Social functions of entrepreneurship in poverty reduction

Mukhiddin Khalilov,

Tashkent State University of Economics
base doctoral researcher

Abstract: the article examines the economic and social content of the category of poverty, its types and negative impact on economic development and social life, factors and processes leading to poverty. He also suggested foreign experience and national approaches to combating poverty, ways to improve socio-economic life through the development of entrepreneurship and ways out of poverty.

Keywords: poverty, unemployment, inequality, absolute poverty, relative poverty, income, distribution, poverty line, small business, entrepreneurship, government, privileges.

УЎК: 338.436

Муқаддас ТУРДИЕВА,
Бухоро давлат университети
иқтисодийёт кафедраси ўқитувчиси,
1-босқич таянч докторанти,
E-mail: muqaddasturdiyeva0023@gmail.com

Корхона ходимларининг инновацион фаолиятини мотивациялаш орқали рақобатбардошликни таъминлаш омиллари

Кириш. Замонавий иқтисодий шароитда инновацион жараёнларни ўз ичига оладиган, ички рақобатбардошликнинг ўсишини таъминлайдиган, интенсив омиллардан фойдаланиш орқали минтақаларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш зарур бўлмоқда.

Бунда компаниялар томонидан аниқ ёндашувлар ва тамойилларга асосланган стратегиялар ишлаб чиқилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармонида ҳам узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли режаларни ҳаётга татбиқ этиш белгилаб берилган.

Албатта, ҳар бир жамоада ишчи-ходим меҳнатини рағбатлантириш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш, турмуш фаровонлигини янада яхшилаш бугунги кунда компаниялар бошқарув механизмлари олдида турган долзарб масалалардан саналади.

Вазифаларни амалга оширишда ходимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот, янги технологиялар, ахборот мониторинги, билим ва янги ғоялар, ишланмаларни тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, замонавий шароитда инновацион корхоналар ходимлари томонидан яратилган инновацияларни рағбатлантириш даражасини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқарув тизимини такомиллаштириш зарурлигини эътироф этмоқда.

Асосий қисм. Инновацион фаолият шаклланишида мотивлар, эҳтиёжлар ва манфаатларидан келиб чиқиб ташкилотлар томондан рағбатлантириш, вазият омилларининг таъсири, яъни шахсий эҳтиёжлар, муносабат, қизиқишлар, интилишлар, истаклар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган ички шароитлар ҳам аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мотивация – бу шахс ёки корхона фаоллигини уйғотувчи ва унинг фаолият йўналишини аниқлаб берувчи омиллар жамламасидир. Мазкур масалаларни тадқиқ этиш бўйича кўпгина олимларнинг ёндашувлари инновацион фаолият мотивациясининг натижаларини белгилаб беради, бу эса маъмурий, иқтисодий, ижтимоий ва психологик каби асосий масалаларнинг инновацион фаолиятига нисбатан персоналнинг мотивация шакллари ва методларини ажратиб, классификациясини умумлаштириб беради.

Маълумки, ички инновацион фаолият шахс ёки корхонанинг мотивлари, сабаблари, омиллари, эҳтиёжлари ва манфаатлари билан мотивацияланади. Ташқи инновацион фаолият эса – рағбатлантирувчи омиллар ёрдамида мотивацияланади, шунингдек вазиятли омиллар ҳаракатининг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, фаолиятга нисбатан субъект эҳтиёжларининг қондирилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундаш мотиви, маълум бир кучнинг предмети йўналтирилган фаоллиги, ҳаракатлар ва иш тутишларни танлаш асосида ётувчи англанган сабаб, каби таърифлар ҳам мавжуд.

Мотив тушунчасининг таърифи инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган ички хоҳиш-истаклари, рағбатлантирувчи омил эса – маълум бир ҳаракатларни бажариш эвазига ўз эҳтиёжларини қондириш воситаларига эга бўлиш имконияти сифатида тушунилади. Кўпинча мотивларга муддат ва стимул синонимлар сифатида қараб келишади.

Бироқ мотив – ички ундовчи куч, интилишдир, стимул эса – маълум бир мақсадли ташқи жўшқинлик. Шунинг учун эҳтиёж – анланган ва анланмаган муҳтожлик бўлиб, инсон уларга нисбатан ўз организмнинг ҳаёт фаолияти ва шахсияти ривожини учун зарурлигига боғлиқ ҳолда муҳтожлик сезади, манфаатлар эса – бу эҳтиёж бўлиб, у одамларда алоҳида шахсларнинг ва ижтимоий гуруҳлар ва бирлашмалар аъзоларининг эҳтиёжи сифатида бир бутун элемент сифатида юзага келади, уларни умуммиллий, ҳудудий, маҳаллий ва шахсий кўринишларга ажратишади.

Умуман айтганда, эҳтиёж ва манфаатларни мақсадга мувофиқ равишда турли поғоналарда ўзгартириш ва шакллантириш мумкин. Бироқ эластик ва ноэластик эҳтиёжлар ва манфаатларни фарқлаш лозим бўлади. Яна бир асосий масалалардан бири рағбатлантирувчи омил ҳисобланади, бу ундаш бўлиб, унинг самараси инсоннинг руҳиятига, унинг қарашларига, ҳиссиётлари, кайфияти, қизиқишларига боғлиқ бўлади.

Шахснинг ёки корхонанинг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишга қодир бўлган – вазиятли омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Турли хил воқеа-ҳодисалар ва вазиятларни, масалан, персонал менежменти нуқтаи назаридан – бу вазифанинг мураккаблиги, раҳбарнинг босими, талаблари, вазиятнинг муҳимлиги бўлса, маркетинг нуқтаи назаридан эса – истеъмолчи ва товар ўртасидаги ўзаро таъсирларнинг тасодифий ва кўзда тутилувчи вазиятлари бўлиб, улар бошланишга ёки истеъмол ҳажмларини кенгайтиришга ундайди. Инновацион фаолият мотивациясининг рационал типи фаолиятнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига асосланади.

Фаол инновацион фаолият учун шарт-шароитлар яратиш, инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва рағбатлантириш учун шарт-шароитларга қулай заминни шакллантириш кўпроқ даражада ундан фойдаланишнинг ташкилий шакли билан белгиланади.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ҳар бир

ҳаётий цикл босқичларида инновацион жараёнлар мотивациясини таъминлашдан иборатдир. Инновацион мотивациянинг позитив ҳолати – ходимларнинг ўз меҳнатининг мақсадларини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, маданият ва билим даражасини, шахсга оид сифатлари, жорий ва истиқболлий мақсадларини, меҳнат шарт-шароитлари, корхоналардаги вазият ва шароит аҳволлари ва бошқаларни тушуниб етишлари, шунингдек объектив илмий-техник, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ва омиллар билан таъминланиши лозим бўлади.

Корхона ходимларининг инновацион фаолиятини фаоллаштириш ва рағбатлантириш муаммосига мос ҳолдаги сифат ва рақобатбардошлик гуруҳларини яратишдан иборат бўлиб, бунда инновацион мотивациялаш, ташкилий-тузилмавий мотивация концепцияси – корхона бошқарувининг ташкилий тузилмасида сифат ва рақобатбардошлик гуруҳини яратиш зарур ҳисобланади.

Шунингдек, бир ёки бир нечта бўлинмалар ходимларини ўзига хос жамоатчилик ташкилий-тузилмавий шакллантиришда ҳисобга олиниши зарур бўлади. Сифат ва рақобатбардошлик гуруҳларини шакллантиришнинг асосий мақсади – умумий ҳолда корхона фаолиятининг бош мақ-

Мотив тушунчасининг таърифи инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган ички хоҳиш-истаклари, рағбатлантирувчи омил эса – маълум бир ҳаракатларни бажариш эвазига ўз эҳтиёжларини қондириш воситаларига эга бўлиш имконияти сифатида тушунилади. Кўпинча мотивларга муддат ва стимул синонимлар сифатида қараб келишади.
